



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

КАСБИ ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА ҚЎРҒОШИН ЭЛЕМЕНТИНИНГ ТАЪСИРИ

Низамов Собиржон Аълаевич,

Тупрокшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти,

Қ.х.ф.ф.д.(PhD), катта илмий ходим,

Умаров Мухаммад Исматуллаевич,

Тошкент давлат аграр университети, қ.х.ф.н., доцент.,

Умматова Юлдуз Икромжон қизи.,

Тошкент давлат аграр университети 1-босқич магистри.,

Бобокулова Мунира Шухрат қизи.,

Абдуназарова Моҳинур Тўра қизи.

Тошкент давлат аграр университети бакалавр босқичи талабалари.

Аннотатсия

Мақолада Қашқадарё вилояти Касби туманинг бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларини агрокимёвай ҳолати ҳамда қўргошин элементининг харакатчан шаклининг тўпланиши, рухсат этилган меъёрлардан ортиб бориши келтирилган.

Калит сўзлар: суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар, ўтлоқи тупроқлар, қўргошин, озиқа занжири, гумус, озиқа моддалар.

Аннотация

В статье приведены данные по накоплению, превышению предельно-допустимых концентратаций свинец в сероземно-луговых и луговых почвах Касбийского района Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: орошаемые сероземно-луговые почвы, луговые почвы, свинец, трофическая цепь, гумус, питательные элементы.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

Abstract

The article presents data on the accumulation, exceeding the maximum permissible concentrations of lead in serozem-meadow and meadow soils of the Kasbi district of Kashkadarya region.

Keywords: irrigated takyr-meadow soils, meadow soils, lead, plumbum, trophic chain, pollutants, pressure, humus, nutrients.

Мавзунинг долзарбилиги

Антропоген фаолияти ва унда йўл қўйилаётган камчиликлар кўп миқдорда атроф муҳитга турли заҳарли кимёвий бирикмалар келиб тушишига сабаб бўлмоқда. Бу жараён йилдан-йилга ошиб бормоқди. Аҳоли сонининг ортиб бориши ва уларнинг хаёти учун керак бўлган маҳсулотлар билан таъминлаш хозиги кундаги долзарб муаммолардан хисобланади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажмининг ривожланиши ва улардан ажралиб чиқаётган чиқиндилар атроф муҳитнинг ифлосланиши билан бир қаторда суғориладиган тупроқлар таркибида кимёвий бирикмаларнинг тўпланишига олиб келади ва экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Атроф муҳит тозалигини асраш ва экология барқарорликни таъминлаш бугунги кунда бутун инсоният олдида турган энг долзарб масалалардан бири хисобланади. Ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқишини камайтириш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, атмасфера хавосига чиқаётган токсикантлар ҳамда инсон соғлигига етказилиши мумкин бўлган заҳарли бирикмаларнинг олдини олиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинмоқла. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-76-сон қарорлари шулар жумласидан бири[1].



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар таркибидаги турли моддалар, асосан, олтингугурт оксидлари, азот оксидлари, углерод оксидлари, оғир металлардан - темир, құрғошин, мис, кобальт, никел, кадмий, симоб тузлари ва бошқалар атмосфера ҳавосига, умуман, тириклик дунёсига үз салбий таъсирини құрсатади.

Атроф-мухитни оғир металлар билан ифлосланишдан мухофаза қилиш учун аввало, айни металларни ишлаб чиқарадиган саноатнинг пухта такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзунинг ўрганилғанлық даражаси. Атмосферанинг энг хавфли ифлосланиши радиоактив ифлосланишdir. Радиоактив ифлосланишнинг асосий манбалари ядро қуролининг синовлари, атом электростанцияларидаги фалокатлар ҳисобланади. Радиоактив ифлосланиш рак ва бошқа касалликларнинг ортишига олиб келади. Ҳавонинг кучли ифлосланиши инсон соғлиғига, барча жонзотларга салбий таъсир құрсатади.

Шаҳарлар ва саноат районларида кишилар ўртасида асаб, юрак-қон томир, сурункали бронхит, эмфизема, нафас қисиши ва ўпка раки касалликларининг күпайиши кузатилади. Күз касалликлари ва болалар касалликларининг ортиши қайд қилинган. Шаҳар ҳавосида саноат корхоналари ва автотранспорт чиқиндиларида канцероген моддалар бўлиб (бенз(а)пирен, ароматик углеводородлар), уларнинг сурункали таъсири натижасида рак касалликлари келиб чиқади. Автотранспортнинг чиқинди газларидаги құрғошин бирикмалари ҳам инсон соғлиғи учун айниқса хавфли ҳисобланади.

Атмосферадаги турли заҳарли газлар ўсимлик ва ҳайвонларга ҳам зарар етказади. Олтингугурт гази, фторли водород, озон, құрғошин, хлор ва бошқалар ўсимликларга айниқса кучли таъсир құрсатади. Ўсимликларнинг нобуд бўлиши, ҳосилнинг камайиши, фотосинтез интенсивлегининг ўзгариши кузатилади. Ҳавонинг кучли ифлосланиши баъзи уй ҳайвонларининг нобуд бўлишига олиб келади [2].

Нефть билан ифлосланган тупроқ морфологик белгиларининг ўзгариши ифлосланиш даражалари бўйича фарқга эга бўлиб, жуда кучли даражада ифлосланган тупроқларнинг морфологик белгилари кескин ўзгаришга



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

учрайди. Ифлосланган тупроқлардаги нефть парчалашда MFD-100 Pseudomonas stutzeri, MFD-200 Pseudomonas caryophyllis, MFD-5000 Bacillus subtilisбактерия штаммлари ҳам самарави ҳисобланиб, 3 босқичли рекультивацияси технологияси олиб бориш натижасида тупроқнинг 80 % дан ортиқ тозаланишига эришиш мумкин [3].

Сув ҳавзаларининг турли ноорганик кимёвий моддалар билан ифлосланиши бирикмаларнинг ва заҳарли моддаларнинг тушишидан келиб чиқади. Бу миňяк, қўрғошин, кадмий, симоб, хром кабиларнинг сувга тушиши натижасида юзага келади. Сувдаги оғир металларни аввало фитопланктон сувётлар ютади, улар ўз навбатида сув ҳавзаларидаги умуртқасиз-умуртқали ҳайвонларга озука ҳалқаси орқали ўтади.

МДХ худудидаги анча ифлосланган сув ҳавзаларига Фарбий Буг, Днестр, Дунай, Дон дарёлари, Сахалин оролидаги дарёлар, Кольск ярим оролидаги дарёлар ва кўллар, Амударё ва Сирдарёнинг қуи оқимлари қириб, улардаги сувларда ифлословчи моддаларнинг миқдори нормадан 10 баробар қўпdir. [4].

Ҳозирги кунда пестицидларнинг 500 дан ортиқ хиллари бор. Шулар ичida атроф-муҳит учун энг хавфлисий хлороорганик ва фосфороорганик бирикмалардир. Улардан ташқари таркибида кўрғошин, рух, миňяк, симоб каби оғир металларишлайдиган заҳарли моддалар ҳам мавжуд.

Тадқиқотнинг мақсади сугориладиган тупроқларда токсик элементларнинг миқдори ва уларнинг тупроқ муҳитига, экологик ва агрокимёвий ҳолатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Қашқадарё вилояти Касби туманида тарқалган оч тусли бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети сугориладиган тупроқлар, озиқа моддалар, қўрғошин элементи, тупроқнинг экологик ҳолати ҳисобланади.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Бунда «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований» услугбий қўлланмалар асосида олиб борилди. Тупроқ таркибидаги гумус – И.В.Тюрин усулида, умумий азот - Къельдал усулида, умумий фосфор ва калий – Е.М.Щеглова ва В.В.Вульфиус усулида, тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор ва калий – 1 фоизли углеаммоний тузи эритмасида Б.П.Мачигин ва П.В.Протасов усули бўйича, оғир металлар атом-абсорбцион усул билан аниқланган.

Тадқиқот натижалари. Касби туманида тарқалган бўз-ўтлоқи тупроқлар – Турон субтропик иқлими минтақасининг Ўрта Осиё провинциясида Оч тусли бўз тупроқлар минтақаси, Қашқадарё делътасининг ўрта қисми, қатламли аллювиал ётқизиқларда (Касби тумани “Пахтакор” хўжалиги) шаклланган. Тарифланаётган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,555-0,947%ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 0,515-0,739%, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ушбу тупроқларда умумий азот миқдори ҳайдов қатламида 0,045-0,069%, ҳайдов ости қатламида 0,041-0,054%, пастки қатламларда гумусга муттаносиб равишда камайиб бориши қайд қилинди. Ҳаракатчан азот миқдори эса ҳайдов қатламида 27,5-38,4 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 21,6-24,1 мг/кг, пастки қатламлар томон камайиб боради ва таъминланганлик даражасига кўра, генетик қатламларда жуда кам, кам ва ўртacha гурухларга мансуб. Углародни азотга бўлган нисбати 6,0-9,5 оралиғида кузатилди. Умумий фосфор миқдори ҳайдов қатламида 0,122-0,152%ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 0,102-0,131%, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ҳаракатчан фосфор ҳайдов қатламида 15,2-25,2 мг/кг ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 11,3-21,5 мг/кг оралиғида қайд қилинди. Умумий калий миқдори ҳайдов қатламида 1,12-2,05%, ҳайдов ости қатламида 1,02-1,72%, куйи қатламлар томон камайиб боради. Алмашинувчи калий ҳайдов қатламида 231-321 мг/кг оралиғида, ҳайдов ости қатламида 220-301 мг/кг, пастки қатламлар томон камайиб боради.

Қашқадарё делътаси қуйи қисми, қатламли аллювиал ётқизиқлардан таркиб топган суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

0,469-0,769% ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 0,431-0,672%, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ушбу тупроқларда умумий азот миқдори ҳайдов қатламида 0,36-0,072%, ҳайдов ости қатламида 0,034-0,062%, пастки қатламлар томон камайиб бориши қайд қилинди. Ҳаракатчан азот миқдори эса ҳайдов қатламида 23,1-37,9 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 12,9-25,5 мг/кг, пастки қатламлар томон камайиб боради ва таъминланганлик даражасига кўра, генетик қатламларда жуда кам, кам ва ўртacha гурухларга мансуб. Улародни азотга бўлган нисбати 5,2-8,3 оралиғида кузатилди. Умумий фосфор миқдори ҳайдов қатламида 0,074-0,152% ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 0,063-0,132%, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ҳаракатчан фосфор ҳайдов қатламида 12,9-32,5 мг/кг ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 11,2-23,4 мг/кг оралиғида қайд қилинди. Умумий калий миқдори ҳайдов қатламида 1,15-2,05%, ҳайдов ости қатламида 1,03-1,95%, қуий қатламлар томон камайиб боради. Алмашинувчи калий ҳайдов қатламида 207-374 мг/кг оралиғида, ҳайдов ости қатламида 190-334 мг/кг, пастки қатламлар томон камайиб боради.

Шунингдек оч-тусли бўз тупроқлар минтақаси, аллювиал ётқизиклардан ташкил топган, Қашқадарё дарёси дельтасининг юқори қисми, (Касби тумани “Фалаба” массиви) сугориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,363-0,386%ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 0,319-0,553%, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ушбу тупроқларда умумий азот миқдори ҳайдов қатламида 0,028-0,051%, ҳайдов ости қатламида 0,026-0,045%, пастки қатламларда гумусга муттаносиб равишда камайиб бориши қайд қилинди. Ҳаракатчан азот миқдори эса ҳайдов қатламида 21,9-34,7 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 17,9-31,6 мг/кг, пастки қатламлар томон камайиб боради ва таъминланганлик даражасига кўра, генетик қатламларда жуда кам, кам ва ўртacha гурухларга мансуб. Улародни азотга бўлган нисбати 5,0-7,8 оралиғида кузатилди. Умумий фосфор миқдори ҳайдов қатламида 0,126-0,156%ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 0,114-0,138%, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ҳаракатчан фосфор ҳайдов қатламида 25,3-23,7 мг/кг ни ташкил этиб, ҳайдов ости қатламида 15,6-26,9 мг/кг оралиғида қайд қилинди. Умумий калий миқдори ҳайдов қатламида 1,21-



E CONF SERIES



International Educators Conference


Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

1,44%, ҳайдов ости қатламида 1,12-1,23%, қуи қатламлар томон камайиб боради. Алмашинувчи калий ҳайдов қатламида 270-389 мг/кг оралиғида, ҳайдов ости қатламида 231-289 мг/кг, пастки қатламлар томон камайиб боради. Ўрганилган кесмаларнинг генетик қатламларида ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан жуда кам, кам ва ўртача таъминланган гурухларга мансуб.

Касби тумани “Пахтакор” массивидаги оч тусли бўз тупроқлар минтақасида тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларида қўрғошиннинг ҳаракатчан шаклининг тупроқ қатламларида тарқалиши бир текис, яъни, ўртача миқдори 0-2 см қатламда 8,5 мг/кг, 2-10 см қатламда 8,4 мг/кг, 10-20 см қатламда ўртача 8,0 мг/кг гача, 20-30 см қатламда 8,3 мг/кг гача, 30-50 см қатламда эса, 6,9 мг/кг миқдорларда пастки қатлам томон камайиб борганилиги кузатилган. Ўтлоқи тупроқларидағи ўртача миқдори 0-2 см қатламда 8,3 мг/кг, 2-10 см қатламда 8,2 мг/кг, 10-20 см қатламда ўртача 8,5 мг/кг гача, 20-30 см қатламда 8,5 мг/кг гача, 30-50 см қатламда эса, 9,0 мг/кг атрофида пастки қатлам томон ювилиб бориши кузатилган.



1-расм. Касби тумани “Пахтакор” массивидаги тупроқларида тарқалган қўрғошиннинг ўртача миқдори (мг/кг)

Чўл минтақасида аллювиал ётқизиқларда тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларида қўрғошиннинг ўртача миқдори 0-2 см қатламда 8,2 мг/кг, 2-10 см қатламда 8,5 мг/кг, 10-20 см қатламда ўртача 9,5 мг/кг гача, 20-30 см қатламда 8,4 мг/кг гача, 30-50 см қатламда эса, 11,1 мг/кг бўлиб, ҳайдов ости қатламда РЭМдан (Pb учун РЭМ 10 мг/кг) бироз ошганлигини кўриш мумкин (1-расм).



E CONF SERIES




International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

Касби тумани “Ғалаба” массивида тарқалган оч-тусли бўз тупроқларининг 0-2 см қатламда қўрғошин элементининг ўртача 8,9 мг/кг, 2-10 см қатламда 8,7 мг/кг, 10-20 см қатламда ўртача 8,9 мг/кг гача, 20-30 см қатламда 8,9 мг/кг гача, 30-50 см қатламда эса, 8,7 мг/кг бўлиб,, қуйи қатлам томон (30-50 см) нисбатан бир хил миқдорлари кузатилди.



2-расм. Касби тумани “Ғалаба” массивидаги тупроқларида тарқалган қўрғошиннинг ўртача миқдори (мг/кг)

Худда шундай суғориладиган ўтлоқи тупроқларда қўроғшиннинг ўртача миқдори 0-2 см қатламда 8,3 мг/кг, 2-10 см қатламда 8,2 мг/кг, 10-20 см қатламда ўртача 8,4 мг/кг гача, 20-30 см қатламда 8,5 мг/кг гача, 30-50 см қатламда эса, 8,0 мг/кг эканлиги аниқланди (2-расм).

Хуноса

Тадқиқот олиб борилган худудимизда тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларининг озиқа элементи ҳамда гумус миқдорига токсикантларнинг салбий таъсирлари ўрганилди. Токсик таъсир этувчи қўрғошин элементи рухсат этилган миқдордан ошмаганлиги кузатилган бўлиб, чўл минтақасида аллювиал ётқизиқларда тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларида қўрғошиннинг ўртача миқдори хайдов ости қатламида



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

бироз ошганлигини кўриш мумкин. Лекин қўрғошин элементининг тупроқларда тўпланиб бориши тупроқнинг нафақат хосса хусусиятларига, балки гумус ва озиқа моддаларининг стресс ҳолатига келишига олиб келади. Оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги сугориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи ва Қашқадарё дарёси дельтасининг қуий қисмида тарқалган сугориладиган ўтлоқи тупроқларни унумдорлиги жуда кам ва кам тамиланганлигини антропоген омиллар натижасида қўрғошин элементининг хайдов қатламидан пастки қатламлар томон ортиб бориши хисобига стресс ҳолатига келишига сабаб бўлиши мумкун.

Сугориладиган тупроқларимизда оғир металлар билан ифлосланишини олдини олиш учун ўсимликларга ўғит меъёрларини белгиланган меъёрларда қўллаш, автамабил ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан бирга, жамоатчилик ролини ошириш, экологик технологияларни жорий қилиш табиатни муҳофаза қилишда муҳим аҳамияга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 30.12.2021 йилдаги ПҚ-76-сон «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
2. Х.Т.Турсунов, Т.У.Рахимова Экология // ўқув қўлланма // Тошкент-2006 й. 56-57-б.
3. З.А. Жаббаров , М.Т. Абраҳмонова, Ў.М. Номозов Нефть билан ифлосланган тупроқлар рекультивациясининг иқтисодий сарф ҳаражатлари // Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. 2021. № 3. С. 43-49.
4. А. Эргашев, Ш. Отабоев, Р. Шарипов, Т. Эргашев Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. Тошкент-2009 й. 123-132-б..
5. С.А. Низамов, Х.Т. Рисқиева, М.М. Мирсодиков. Нишон тумани сугориладиган тупроқларининг экологик ҳолатига қўрғошин элементининг



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

таъсири // Хоразм маъмун академияси ахборотномаси // 2022-5/1 Хива. 80-83 б.

6. С.А. Низамов, Х.Т. Рисқиева, М.М. Мирсодиков, Х.Н. Каримов. Суғориладиган тупроқлар таркибида хромнинг тўпланиши // “Қишлоқ хўжалиги илм-фанида ёшларнинг роли” Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий мақолалар тўплами Тошкент-2020 й. 152-156-б.

7. S.A. Nizamov, X.T. Riskieva, M.I. Umarov, J.M Kuziev, M.M. Mirsodikov “Effect of cadmium on agrochemical and ecological status of irrigated soils” Ye3S Web of Conf. Volume 389, 2023 Ural Yenvironmental Science Forum “Sustainable Development of Industrial Region” (UESF-2023).

8. С.А. Низамов, М.И. Умаров, Ж.М. Кузиев “Важность совмещения полос в предотвращении ветровой эрозии” Вестник аграрной науки Узбекистана // Научнопрактический журнал, Ташкент-2023, Спецвыпуск. №3(9/2) 2023

9. С.А. Низамов, М.И. Умаров Влияние на окружающую среду остатков топлива и дымов, используемых тепловыми электростанциями при выработке тепловой энергии. – Internatsional Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS)., <https://zenodo.org/records/10892000> Volume. 7, Issue 03, March (2024).